

???? ?????????? ?????????? ?????????? ??????????

????????? ?????????????? ?????????? ??????????????????

Абу Қатода розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Ашуро кунининг рўзаси ўзидан олдинги йилнинг каффороти бўлса», деб Аллоҳдан умид қиламан», дедилар».

Бешовларидан фақат Бухорий ривоят қилмаган.

Ушбу маънонинг ўзи Ашуро рўзаси қанчалар фазилатга эга эканлигини кўрсатиб туради. Уламоларимиз Ашуро рўзасини тутиш суннати муаккада, деган хулосага келганлар. Ана шунга амал қилиб, ҳаммамиз бу куннинг рўзасини тутишга ҳаракат қилмоғимиз лозим.

Ашуро кунини Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам қандай ўтказардилар?

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам бу кунни ўтказиб юбормаслик учун қаттиқ ҳаракат қилардилар, унинг савобига эришиш учун бу куннинг келишини интиқлик билан кутардилар.

Ибн Аббос розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламни Ашуро кунини рўзасини бошқасидан афзал кўриб, соғиниб, Рамазон ойини рўзасини кутиб соғингандек, бошқа кун ва ой рўзасини кутганларини кўрмадим».

Имом Бухорий, Имом Муслим ривояти.

???? ?????????? ?????? ?????????????????? ?????????? ???????

????????? ???????: ?????????? ?????????????????? ??? ?????? ?????? ??????

???????? ????? ?????????? ????? ?????????? ??? ????????????

????? ????? ?????? ??????? ?????????????? ????????????

???????????? ?????????? ????? ?????????? ?????????? ??????????????????

????????? ?????????????? ?????????? ??????????????????. ??????????

????????????????? ??????????????????????.

Салама ибн Акваъ розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам Асламдан бир кишига: «Одамлар ичида ким бирор нарса еган бўлса ҳам куннинг қолганида рўза тутсин, ким емаган бўлса, у ҳам рўза тутсин. Чунки бугун Ашуро куни», деб жар чақиришга амр қилдилар».

Икки Шайх ва Насайй ривоят қилганлар.

Аслам – араб қабилаларидан бирининг номи. Маълумки, Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам нима учун яҳудийлар Ашуро рўзасини тутишларини билиб, у рўзани тутишга мусулмонлар ҳақлироқ эканликларига айни Ашуро куни қарор қилганлар. Кўринишидан бу иш эрталаб содир бўлган. Шунинг учун Аслам қабиласидан бўлган кишини жар чақиришга амр қилганлар. Ашуро куни нонушта қилиб олганлар ўша куннинг ҳурматидан кундузнинг қолган қисмида бирор нарса еб-ичмасликка, эрталабдан бирор нарса еб-ичмаганлар эса рўзани ният қилиб олишга амр қилинганлар. Бу иш Ашуро рўзасини тутиш ниҳоятда аҳамиятли эканлигини кўрсатади.

???????? ?????? ?????????? ??????? ?????? ???????: ???

????????? ?????????? ?????? ??? ????? ????? ?????

????????????? ?????????? ?????????? ?????????????? ??????

?????????? ?????????? ?????? ?????????????? ???????

????????????????? ?????????? ?????????????? ?????????? ??????????????.

?????????????? ??????????????????.

Ибн Аббос розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг бирор куннинг рўзасини бошқаларидан афзал кўриб, мана шу Ашуро кунидек, мана шу Рамазон ойидек излаганларини кўрмадим».

Икки Шайх ривоят қилганлар.

Яъни, Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам қачон Ашуро куни келар экан, рўзасини тутсам, деб, интиқ бўлиб турар эканлар. Бошқа бирор куннинг рўзасини тутиш учун бунчалик интизор бўлиб кутмас эканлар.

Шунингдек, Рамазон ойини ҳам қачон келар экан, рўзасини тутсам, деб, интиқ бўлиб кутар эканлар. Бошқа бирор ойнинг рўзасини тутишни бунчалик интизор бўлиб кутмас эканлар. У кишининг умматлари, яъни бизлар ҳам шундай бўлишимиз лозим.

???? ?????? ?????????? ?????????? ?????? ?????????? ?????

????????????????? ??? ?????? ?????? ?????? ???????: ????? ??????????

????? ?????????? ??? ?????? ?????????????? ??????????

????? ?????????? ??? ?????????? ??????????. ??????????

????????????????????? ??????????????????????.

Абу Саъийд розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Ким Ашуро куни аҳли аёлига кенглик яратса, Аллоҳ унга йил бўйи кенглик яратади», дедилар».

Тобароний ва Байҳақий ривоят қилганлар.

Ушбу ривоятдаги «кенглик яратиш»дан мақсад ейиш-ичиш, хурсандчилик маъносидаги бемалолликдир.

Суфён ибн Уяйна раҳматуллоҳи алайҳ: «Бу ҳадисни олтмиш йил тажриба қилдим ва фақатгина яхшилик кўрдим» деганлар.

Эслатма: Ашуронинг ўнинчи куни 2020 йил 29 август, шанба кунига тўғри келади.

Шунингдек, Муҳаррам ойининг ёлғиз ўнинчи кунда эмас, балки бу кунга қўшиб, бир кун олдинги ёки бир кун кейинги кунда ҳам рўза тутиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Аллоҳ таоло барчаларимизни Ўзининг розилигини оладиган бандалардан қилсин!

«Ҳадис ва ҳаёт» китоби асосида Хуршид Маъруф тайёрлади